

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ва мухтарам ватандошлар!
Қадри дўстлар!
Жонажон Ватанимизга Янги — 2018 йил кириб келмоқда.
Сиз азизларни, мўътабар нурунийлар, меҳрибон опа-сингилларимизни, азму шижоатли ёшларимизни, кўп миллатли бутун халқимизни ушбу кутлуғ айём билан самимий табриклайман.
Барчанингизга сihat-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, бахту саодат ва фаровонлик тилайман.
Минг шукри, турли муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, 2017 йил мамлакатимиз учун тинч, ҳар томонлама омадли ва баракали бўлди.
Биз тараққийтимизнинг янги даври, янги босқичига қадам қўйдик. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йиғида белги-ланган вазифаларни бажаришга бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этдик.
Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2017 йилни барча соҳаларда ёруғ юз билан яқунлашга эришдик.



Энг муҳими, давлатнинг халққа муносабати ўзгармоқда. Халқ деган тушунманинг қадри оқсалмоқда. Эл-юртга хизмат қилиш ҳаёти мазмунига айланмоқда.
Буларнинг барчаси одамларимизнинг кундалик ҳаётида ўз амалий ифодасини топомоқда. Уларнинг эртанги кунга ишончи янада мустаҳкам бўлмоқда.
Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимиз ҳам, айтиш мумкинки, ғоятда самарали бўлди. Айниқса, кўпчи давлатлар билан муносабатларимиз янги руҳ ва мазмун касб этмоқда.
Биз эса минтақамизда ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳамкорлик муҳитини янада кучайтириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда. Биз бу стратегик йўлни 2018 йилда ҳам изчил ва фаол давом эттирамиз.
Фурсатдан фойдаланиб, узоқ ва яқин барча мамлакатлар халқларини ҳам, Янги йил байрами билан табриклаб, уларга тинчлик ва раванқ тилаймиш.
Азиз юртдошлар!
Биз Янги — 2018 йилга Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили, деб ном бердик.

BUNYODKORLIK

БАРКАМОЛЛИК МАСКАНИ

Лайло ХАЙИТОВА
Бухоро шаҳрида замонавий Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди.



Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда вилоят ҳокими Уктам Барноев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Одилжон Тожиёв ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёш авлод жамиятининг ташаббускор ва фаол қатлами сифатида доимо қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг



логик маслаҳатлар, "Ёш актёрлар", "Ёшлар туризми", "Инглиз тили", "Рус тили" каби йигирмадан ортук тўғарак, руҳшунос-маслаҳат маркази фаолияти йўлга қўйилган.
Бинода замонавий жиҳозланган 808 ўринли томоша зали ва 280 ўринли кинозал ёшларнинг ижтимоий фаолигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш учун жуда қулай.

— Эндиликда марказда Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши ҳам фаолият кўрсатади, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши раиси Зариф Қомилев. — Марказ ёшларнинг вақтинчи кўнгилли ўтказиши билан бирга, уларни қизиқишга қараб муайян касбга ўргатиш, спорт билан шуғулланишига хизмат қилади. Уларда Ватанга муҳаббат, истиқлол

ғояларига садоқат, ислохотларга дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлайди.
Ёшлар марказининг очилиш маросимда концерт дастури, "Қорбобо ва Қорқизлар марафони", турли викториналар ташкил этилди.
— Бугунги ёшлар нафақат муайян касб эгаси, балки қизиқувчан, дунёқараши кенг бўлиши керак, — дейди Бухоро банк колледжи ўқувчиси Азиза Муҳаммадиева. — Мен бадий ижод билан ҳам шуғулланман. Чет тилига қизиқиш қанчалик катта. Шу боис дарсдан сўнг "Ёшлар маркази"даги инглиз тили тўғраридаги қатнашмоқчиман. Марказдаги кутубхона ёшлар учун бой маънавий хазинага айланади.
Тадбирда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раисига мухтарам Ёшлар марказининг раисий қалити ҳамда "Genra" автомашинаси топширилди.

MUHARRIR MINBARI

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ВА МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

Г. БОБОЕВА, ЁЗА муҳбири
Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёшлар сиёсати масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгашининг раиси Қаҳрамон Курнобоев раҳбарлигида видеоселектор йиғилиши ўтказилди.
Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ёшлар масалалари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ҳудудий кенгаш раисининг ёшлар ишлари бўйича ўринбосарлари катнашди.
Мамлакатимизда ёшларни маънан етуқ ва жиҳмонан соғлом қилиб вояга етказиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ва ташаббусларини рағбатлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.
Маъруз вазифалар ривожига давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармони дастуриламал бўлаётир.
Видеоселекторда қатор долзарб масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, ёшлар иттифоқининг ҳудудий ва маҳаллий кенгаши раислари ҳисобот берди. Фаолият танқидий таҳлил қилинди. Жорий йилда амалга оширилган ишлар юзасидан вазифалар кўриб чиқилиб, Ёшлар иттифоқининг кейинги йилга мўлжалланган иш режаси лойиҳаси муҳокамага қўйилди.
Шунингдек, 2018 йил жойларда ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш бўйича устувор вазифалар ҳамда истиқболдаги режалар белгилаб олинди.

МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ

2017 йил. Бир қадар шиддати билан Ўзбекистон ҳаётида ўзига хос из қолдирди. Кейинги пайтда бироз сустлашган фуқароларимиздаги дахлдорлик туйғусини, давлат идоралари мутасаддиларидаги маъсулият ҳиссини кучайтирган йил бўлди. Гарчи дунё ҳамжамияти бугунги Ўзбекистон раҳбарияти намоеън этаётган қатий сиёсий ирода ва бошқарув тамойилларини, ислохотлар самараларини бироз эҳтиёткорлик билан тан олаётган бўлса-да, муқаррар юз бераётган ижобий ўзгаришларни инкор ҳам эта олмапти.

Бироқ, биз учун муҳими бу эмас. Муҳими — Ўзбекистон ўз олдига қўйган мақсад аниқ, унга эришиш йўлида давлат ва жамият янада жиҳслашиб борапти!
Таъкидлаш лозимки, ўтган "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" да мамлакатда ҳар бир қарорни халқ билан бамаъсул равишда, бевосита мулоқот асосида қабул қилишдек бетакрор демократик мактабни ўтадик. Бунинг тасдиғини халқнинг талаб ва истаклари асосида 11 йиллик таълимнинг қайта тикланганидан тортиб, арзон уй-жойлар қуриш лойиҳаси асосида амалга оширилган кенг қўламли ишлар мисолида ҳам кўриш мумкин.
Мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқаролар мувожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқлади. Раҳбарлар бевосита жойларда аҳолини бевоота қилаётган энг долзарб муаммоларга амалий ёчим топшиш билан шуғуллана бошлади. Ўз муаммолари билан мувожаат қил-

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«КЕЛАЖАК БУНЁДКОРИ» МЕДАЛИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2017 йил 15 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2017 йил 20 декабрда маъқулланган

- 1-модда. «Келажақ бунёдкори» медали таъсис этилсин.
- 2-модда. «Келажақ бунёдкори» медали тўғрисидаги низоми тасдиқлансин (илова қилинади).
- 3-модда. «Келажақ бунёдкори» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
- 4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-1-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 140, 149-моддалар; 2005 йил, № 1, 18-модда;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 250-модда; 2008 йил, № 4, 193-модда; 2012 йил, №9/1, 241-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда) **12-моддасига** қуйидаги қўшимча ва ўзгариш киритилсин: қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:
«Келажақ бунёдкори» медалини;
бешинчи хатбоши **олтинчи хатбоши** деб ҳисоблансин.
5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.
Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев
Тошкент шаҳри,
2017 йил 28 декабрь
№ УРҚ — 451

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги УРҚ-451-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

«Келажақ бунёдкори» медали тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Келажақ бунёдкори» медали билан ватанпарварлик, фидойилик ва меҳнатсеварлик фазилатларини намоеън этиб, халқ манфаатлари учун садоқат билан хизмат қилаётган, Ватанимизнинг халқро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга ва шон-шукратини оширишга муносиб ҳисса қўшаётган, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрнатилган, шунингдек ушбу ўқийда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган, 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мукофотланади.

«Келажақ бунёдкори» медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.
2. «Келажақ бунёдкори» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президенти мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.
3. «Келажақ бунёдкори» медали билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек уни топшириш «Давлат мукофотлари ва 30 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.
4. «Келажақ бунёдкори» медали билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда ярим ой ва юлдузи ўн ичига олган, четлари зарҳал хошия билан ўралган кўк рангли мусамман тасвирланган. Мусамманнинг чап ва ўнг томонларида Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи рангли рақамлари ленталар тасвири акс эттирилган.
Медалнинг орқа томонида диаметри 21 миллиметр бўлган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган бўлиб, унинг пастки қисмида медаль рақами 3,5 миллиметр катталидаги ботик шриффт билан ёзилган.
Медалнинг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.
Медаль шойи лента билан қўпланган беш қиррали қадагичга илмоқча ва халқача ёрдамда туташтирилган.
Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли оқ рангли йўл, унинг икки четидан эса тўқ кўк рангли энгиз чизиқлар билан хошияланган, эни 2 миллиметрли икки сарик рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисmlари бўйлаб эни 4 миллиметр бўлган кўк рангли йўл ўтган.
Қадагичнинг бўйи — 48 миллиметр, эни — 46 миллиметр.
Қадагичнинг орқа томонига медални қийимга тақиб қўйиш учун тўғнағич қўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги УРҚ-451-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

«Келажақ бунёдкори» медалининг ТАВСИФИ



«Келажақ бунёдкори» медали дастлаб 0,5 микрокавалитдаги никель, кейин эса 0,25 микрокавалитдаги олтин билан қўпланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.
Медалнинг калитлиги — 2,2 миллиметр.
Медалнинг олд томонида, марказда, оқ фонда замонавий сан-техника тараққийи тимсоли бўлган «тинчлик атоми»нинг рақамий тасвири, кўк рангдаги Ер шари, унинг меридианлари ва параллеллари, Ўзбекистон Республикасининг харитаси, шунингдек таван рақами бўлган икки кафт тасвири жойлашган.
Медалнинг юқори қисмида айлана бўйлаб яшил рангли лентага «KELAJAK BUNYODKORI» деган сўзлар

ёзилган. Ҳар бир медалнинг диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.
Медалнинг олд томонида диаметри 21 миллиметр бўлган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган бўлиб, унинг пастки қисмида медаль рақами 3,5 миллиметр катталидаги ботик шриффт билан ёзилган.
Медалнинг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.
Медаль шойи лента билан қўпланган беш қиррали қадагичга илмоқча ва халқача ёрдамда туташтирилган.
Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли оқ рангли йўл, унинг икки четидан эса тўқ кўк рангли энгиз чизиқлар билан хошияланган, эни 2 миллиметрли икки сарик рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисmlари бўйлаб эни 4 миллиметр бўлган кўк рангли йўл ўтган.
Қадагичнинг бўйи — 48 миллиметр, эни — 46 миллиметр.
Қадагичнинг орқа томонига медални қийимга тақиб қўйиш учун тўғнағич қўринишидаги мослама ўрнатилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 28 декабрдаги УРҚ-451-сонли Қонуни билан ТАСДИҚЛАНГАН

